

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК - 797.21**

РАСУЛЕВ ДИЛШОД ХУСНИТДИНОВИЧ

**“ 13-15 ёшли ўқув – тренировка гуруҳ сузувчиларида умумий ва махсус
жисмоний сифатларини ривожлантириш.**

5А810201 - Спорт фаолияти (Сузиш бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертасия

**Илмий раҳбар :
Педагогик фанлари номзоди
А.Ғ.Содиқов**

ТОШКЕНТ - 2012

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	5
1.1. Жисмоний тайёргарлик сифатлари ва уларни ривожлантириш.....	5
1.2. Сузувчиларни махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришда босқичли назоратнинг аҳамияти.	10
1.3. Ёш сузувчилар махсус жисмоний тайёргарлигининг тавсифномаларининг тузилиши таъмоиллари.....	17
1.4. Умумий ва махсус жисмоний тайёрлик.	26
1.5. Махсус жисмоний иш қобилиятини аниқлаш.....	35
II. БОБ. ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИ, УСУЛИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ.	47
2.1. Тадқиқотларни вазифалари.....	47
2.2. Тадқиқотнинг услублар.....	47
2.2.1. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили.....	48
2.2.2. Педагогик тажриба	48
2.2.3. Педагогик кузатув.....	49
2.2.4. Математик статистика услублари	49
2.3. Тадқиқот ташкил қилиш	49
III. БОБ. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ	50
ХУЛОСА.....	70
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ...	71

КИРИШ.

Муаммонинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва доимий раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спорт борган сари Давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида ривож топиб бормоқда (1). «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги Қонун (2) ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган ва айни кунда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиб келинаётган қатор ҳукумат қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Айниқса, бу борада сузиш турининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши таҳсинга сазовордир.

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, Ватан равнақини таъминлайдиган ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жағармасини тузиш тўғрисида» ги Фармони, 2002 йил 30 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ги қарори ва бошқалар юртимизда жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш учун жуда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. (3).

Ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказиладиган ўқув-тренировка жараёнини шакллантириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалий синовдан ўтказиш муаммолари илмий объект сифатида кўпгина олимлар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Жумладан, Ю.В.Верхошанский (22,23), М.Я.Набатникова (88), В.Н.Платонов (106,107), В.П.Филин (146) каби етакчи мутахассис-олимларнинг тадқиқотлари кичик ва катта ёшдаги малакали спортчиларнинг жисмоний ҳамда махсус ҳаракат тайёргарлиги жараёнини шакллантириш мавзуларига қаратилган.

Ёш авлодни ҳар томонлама: ақлий, ахлоқий ва жисмоний жихатдан ривожланишида жисмоний тарбия асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Сузувчиларни умумий ва махсус жисмоний сифатларини ривожлантириш орқали уларни соғлиғини мустахкамлашга, жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш орқали келажакда ёшларимизда етук комил инсон бўлиб етишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ишнинг мақсади: Сузувчиларни жисмоний ривожлантиришда восита усуллари кўллаш орқали жисмоний махсус тайёргарлигини оширишни амалда исботлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсади

1. 13-15 ёшли ўғил болаларда жисмоний тайёргарлигини аниқлаш .
2. Дастлабки тайёргарлик босқичида ёш сузувчиларни махсус жисмоний тайёргарлик давомида жисмоний сифатини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар мажмуаларини ишлаб чиқиш ва асослаш;
3. Дастлабки тайёргарлик босқичида ёш сузувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш услубияти самарадорлигини педагогик тажриба асосида асослаш.

Тадқиқот объекти – дастлабки тайёргарлик босқичида шуғулланаётган ёш сузувчиларда.

Тадқиқот предмети – сузиш бўйича Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ИБУОЗСМ №17 ва РБЎОЗСМ сузувчиларининг умумий ва махсус жисмоний сифатини ошириш жараёни.

I. БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

1.1. Жисмоний тайёргарлик сифатлари ва уларни ривожлантириш.

Тарихдан мавжуд бўлган жисмоний тарбия тизимларига инсоннинг жисмоний (ҳаракат) сифатларини тарбиялай олишига қараб баҳо берилган. Инсоннинг организмида турли даражада шаклланган куч, тезкорлик, чидамлилик, чакқонлик, тана бўғинлари ҳаракатчанлиги ва мускуллар эгилувчанлигини жисмоний сифатлар деб аташ қабул қилинган.

Инсон организмнинг шу сифатларини қандай намоён қила олишига қараб индивидга кучли, чакқон, тезкор ва ҳ.к. деб баҳо берганлар. Бу сифатлар ўлчовга эга, унинг кўрсаткичлари жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари деб аталади ва кўрсаткичлар орқали индивиднинг ижодий меҳнатга ва ватан мудофаасига тайёрлиги аниқланади. Масалан, индивид 100 кг оғирликдаги штангани елкага олиб фақат 3 маротаба ўтириб тура олса, бошқаси шу вазн билан 5 маротабадан ортиқ ўтириб тура олиши мумкин. Шу машқни икки марта ортиқ бажарганлиги учун иккинчи ўртоқнинг куч сифати ривожланган деб баҳоланади. Бу сифат организмнинг суяк, мускул ва бошқа аъзоларининг тўқималари, ҳужайралари ва ҳоказоларнинг ривожланганлигигагина боғлиқ бўлмай, маънавий-руҳий фазилатларига ҳам боғлиқ.

Шунинг учун ҳаракат сифатларини тарбиялаш маънавий-руҳий фазилатларни тарбиялаш иши билан чамбарчас боғлиқ ва тарбиянинг шу йўналишига восита бўлиб хизмат қилади (6, 15, 22, 23, 27).

Ҳаракат сифатларини тарбиялашга интилиш инсониятнинг азалий орзуси. Меҳнат қуроллари, ҳарбий анжом ва аслаҳа билан муомала қилишнинг самарадорлиги табиат инсонга инъом этган ва уни тарбия жараёнида ривожлантириш мумкин бўлган жисмоний фазилатларга боғлиқ тарбиялаш лозимлиги масаласини кўндаланг кўяди.

Жисмонан баркамол, ахлоқан пок, эстетик дидли, эътиқодли, садоқатли, техника илмининг замонавий асосларини пухта эгаллаган, ҳар тарафлама маънавий етук, жисмонан гармоник ривожланган кишини тарбиялаш ҳозирги кунгача давримизнинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисобланиб келинди. Ҳозир ҳам бу дастур ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У мамлакатимизда амалга оширалаётган «Соғлом авлод учун» дастурининг ўзагини ташкил этади.

Хулоса қилганда жисмоний тарбияни, хусусан, жисмоний сифатларни ривожлантиришни моҳиятининг юқорилиги ва салмоқчилиги кўзга яққол ташланиб турибди. Шунини қайд этиш керакки, жисмоний сифатларни ривожлантиришда уларнинг (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилиқ ва ҳоказоларнинг) барчасини ўзаро узвий боғлаб олиб боришни тарбия жараёни тақазо қилади.

Лекин спортнинг маълум бир турида муайян фазилат кучлироқ шаклланади, ривожланади ва у етакчи ҳаракат сифати тарзида намоён бўлади. Бошқа сифатлар ҳам нисбатан ривожланади, лекин улар ёрдамчи, кўмакчи ҳаракат сифати тарзида намоён бўлиши мумкин. Масалан, спорт ўйинларидан теннисда асосан тезкорлик сифатини ривожлантиради деб ҳисобланса, чаққонлик ёрдамчи сифати тариқасида ривожланади.

Лекин теннис чидамлилиқни ҳам тарбиялашда асосий воситадир. Оғир атлетикачиларда куч жисмоний сифати етакчи фазилат саналади. «Силтаб кўтариш»ни кўп машқ қилиш эса тезкорликни ривожлантиради. Амалиётда бу машқлар орқали чидамлилиқ ва эгилувчанлик ҳам кўмакчи жисмоний сифат тарзида ривожланишини гувоҳимиз. Умуман, тезкорликни ривожлантириш учун кўпроқ ўйинлардан: волейбол, баскетбол, футбол, теннис, стол тенниси, гандбол, хоккей, регби ва бошқалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аслида бу ўйинлар учун чаққонликнинг аҳамияти ҳам иккинчи даражали эмас.

Тезкорликни ривожлантириш эса тез ўзгарувчан ўйин шароитига мослаша билишни, кузатувчанликни, мўлжалга тўғри олишни, қисқа фурсат

ичида турли мураккаб вазиятда аниқ, тўхтамга келиш, уни ҳис қилиш ва ўз ҳаракатларини шу вазиятга мослай олишдек ҳаётий-зарурий амалий ҳаракат малакаларни шакллантиради (4,5,9,12,13,25).

Ҳар қандай ҳаракат бирор-бир конкрет ҳаракат вазифаси деб аталадиган вазифани ҳал қилишга қаратилади. Масалан, иложи борица баландроқ сакраш, тўпни илиб олиш, рақибни алдаб ўтиш, штангани кўтариш ва ҳоказо. Ҳаракат вазифасининг мураккаблиги, бир вақтда ва кетма-кет бажариладиган ҳаракатларнинг уйғунлигига бўлган талаблар, ҳаракатлар координациясини тарбиялайди.

Бугунги спорт мусобақаларида юксак спорт натижаларига эришиш нафақат шаклланган техник-тактик маҳоратга, балки ўта ривожланган жисмоний тайёргарликка ҳам боғлиқдир.

Ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар муддати халқаро мусобақалар қоидалари билан белгиланади. Шу мусобақалар муддатида қайси спортчи ўз иш қобилиятини сифати ва самарадорлиги жиҳатидан қанчалик узоқ вақт сақлай олса ёки уни ошира олиш «кучи»га эга бўлса, унга муваффақият шунчалик «кулиб» боқиши муқаррар. Бошқача қилиб айтганда иш қобилиятининг сифат ва самарадорлик даражасини кўп ёки кам вақт давомида сақланиши умумий ва махсус чидамкорлик сифатларининг турлари (тезкорлик, куч, тезкор-кучга бўлган чидамкорлик, сакрашга бўлган чидамкорлик, «техник-тактик чидамкорлик» ва ҳоказо) қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади.

Маълумки, иш қобилияти ҳақида гап кетганда, айниқса сўз унинг сифати ва самарадорлигига тегишли бўлса, масаланинг моҳияти ва пировард «мағизи» бошқа жисмоний сифатларнинг шаклланган ёки шаклланмаганлигига бориб тақалади. Яъни самарали натижага мос умумий ва махсус чидамкорлик куч, тезкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик сифатларини ўзида мужассам қилган бўлади. Ушбу сифатларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ва уларнинг юксак даражадаги интеграл натижаси спорт маҳоратининг муайян тақдирини белгилаб беради.

Мақсадга мувофиқ режалаштирилган жисмоний тайёргарлик спорт маҳоратини шакллантириш ва мусобақа давомида юксак натижага эришишда ниҳоятда муҳим омиллардан биридир. Лекин, спорт амалиётида ҳар доим ҳам режалаштирилган жисмоний машқлар мувофиқ ҳаракат сифатларини ривожлантиришда кутилган натижани бермаслик ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Бунинг асосий сабабларидан бири машғулотларда қўлланилган у ёки бу жисмоний машқларнинг ҳажми ва шиддати ҳамда ушбу кўрсаткичларни шуғулланувчилар организмига таъсир этиш даражаси (организмни нагрузкага бўлган акс жавоби-реакцияси) объектив равишда баҳоланмаслигидадир. Шунинг учун ҳам ўқув-тренировка жараёнида қўлланилаётган жисмоний нагрузка (жисмоний машқлар) нинг шуғулланувчилар организмнинг функционал имкониятларига мувофиқлиги эътиборга олинishi шу нагрузкани мақсадга мувофиқ режалаштириш имкониятини яратади.

Малакали спортчиларни тайёрлашда ҳаракат функциясининг икки, бир-бирига узвий боғлиқ томонига алоҳида эътибор қаратилади:

- спортчини техник-тактик малакаларга ўргатиш ва уларни такомиллаштириш;
- спортчи жисмоний сифатларини танланган спорт тури хусусиятига мувофиқ равишда тарбиялаш.

В.Н.Платоновнинг (108) фикрича умумий жисмоний тайёргарлик тушунчаси бу спортчининг ҳаракат сифатларини ҳар томонлама (гармоник равишда) ривожланганлик даражасини англатади. Масалага шу тарзда ёндошиш оддий инсон соғлиғини (спортчини ҳам) шакллантириш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир. Албатта, «Катта» спортда бу ҳам зарур.

Лекин, бундай амалиёт ва шунга асосланган тренировка услубияти малакали спортчиларни тайёрлаш ҳамда юксак мусобақа натижасига эришиш самарасини сусайтириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, ҳар бир спорт турининг ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари мавжудлиги туфайли бир

спорт турида кўпроқ куч-тезкорлик сифати устун турса, иккинчи бир спорт турида чидамкорлик сифати етакчи ролни ўйнайди ёки учинчи бир спорт турида эгилувчанлик сифати асосий аҳамиятга эга бўлади. Аммо, қайд этилган фикрдан муайян спорт турида маълум жисмоний сифат жуда зарур, бошқаси эса муҳим эмас деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, ҳар бир сифатнинг муайян спорт вазиятида озми-кўпми, лекин муҳим «улуши» мавжуд бўлади.

Спорт соҳасига оид илмий-услубий адабиётларда ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратилган. Сўнгги йилларга келиб олимлар ўртасида малакали спортчиларни тайёрлашда жисмоний тайёргарликни ўрни, жумладан жисмоний сифатларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги ҳамда уларни спорт маҳоратига бўлган таъсири ҳақидаги муаммолар тобора катта қизиқиш уйғотиб бормоқда.

Аввалдан исбот қилинганки, куч ва тезкорлик сифатларини ўзаро мувофиқ тарзда шакллантира бориш спортчининг тайёргарлигига ижобий таъсир этади.

Сўз жисмоний тайёргарлик ва хусусан спортчиларни тайёрлашда ҳаракат сифатларини (тезкорлик, куч, чидамкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик) бир-бирига боғлаб шакллантириш муҳимлиги ҳақида борар экан, бу борада тезкор-куч сифатига алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир спорт турида ижро этиладиган ҳаракат малакаси негизида тезкор-куч сифати ҳал қилувчи муҳим манбаа бўлиб ҳисобланади. Масалан, волейболда тўр устидан хужум зарбасини ижро этиш учун тезкор-куч сифати ушбу малака муваффақиятини таъминловчи омилдир; курашда эса мазкур сифат хужум ёки қарши хужум усуллари қисқа вақтда катта куч билан қўллашда аз қотади. Дарҳақиқат, кузатув натижаларига кўра кураш бўйича Жаҳон, Олимпия, Оврўпа, Осиё ва бошқа халқаро мусобақаларда ғалабага эришган аксарият курашчилар юксак даражада ривожланган тезкор-куч қобилиятига эга бўлганлар (14, 106, 23, 24, 34, 36, 40).

1.2. Сузувчиларни махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришда босқичли назоратнинг аҳамияти.

Жисмоний тайёргарлик – спортчининг функционал имкониятлари даражасини кўтаришга қаратилган жисмоний қобилиятларни такомиллаштирувчи махсус жараён. Умумий ва махсус тайёргарликка ажратилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) спортчининг ҳар томонлама жисмоний ривожланишига қаратилган. УЖТ атамаси, турли спорт турлари вакиллари учун бу жараённинг умумийлигини билдиради, лекин би-бирига айнан ўхшамайди. УЖТ тренировка самарасини тайёргарлик машқларидан асосийга ўтказиш қонуниятларини ҳисобга олиш асосида қурилади. Тезкорликни ривожлантириш учун, анъана билан сузиш, югуриш билан бир қаторда турли сакрашлар, сакраб тушишилар, баландликка сакраш, шу билан бирга қўл-оёқ ва гавда билан тезкор темпда ҳаракатланиш, сигнал бўйича тезликка реакция ва бошқалардан фойдаланилади.

Эгилувчанликни айниқса умуртқа поғонасининг ҳаракатчанлигини такомиллаштириш эгилувчанликни бошқаришни таъминловчи, тегишли мушак гуруҳларини мустаҳкамлаш билан бирга ташкил қлинади. Бу сифатни тарбиялаш учун мувозанат сақлаш ва ҳаракатнинг ёқимлилигини такомиллаштиришни доимо ҳисобга олинади.

Бу ерда давомлик, жадаллик ва такрорлашлар сони индивидуал тайёргарлик ҳама тренировка даврининг ҳисобга олиб ўзгартирилади.

Эпчилликни тарбиялаш спорт ва ҳаракатли ўйинлар арсеналининг турли-туман воситалари ёрдамида амалга оширилади. Бу вазифани амалга оширишда координацияни ривожлантирувчи гимнастика машқлари ва тўсиқларни енгиш билан боғлиқ турли эстафеталар бебаҳо хизмат кўрсатиш мумкин (7, 11, 16, 21, 24, 27, 30, 35).

Қўшимча спорт турлаидан спорт гимнастикаси, батутда сакраш, сувга сакраш, слалом, футбол ва бошқа турлар, мусобақа фаолияти мувоффақиятини аниқловчи эпчиллик сифатида тавсия этиш мумкин.

Сузиш спорти амалиётида, чет эл ва мамлакатимиз илғор тажрибалари ишонарли қилиб исботлайдики, спортчилар натижаларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини бошқариш системасини муваффақиятли ишлаб чиқиш ҳисобланади. Педагогик назорат мана шу системанинг бўлимларидан биридир.

Махсус жисмоний тайёргарлик бўлимида педагогик назорат, жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини спорт тури ва мусобақа фаолияти характери билан шартланган специфик (ўзига хос) намоён бўлишида аниқланишини кўзда тутди.

Шунинг учун, сузувчиларнинг махсус сифатлари даражасини назорат қилиш масаласига, кўпгина мутахассисларнинг диққат эътиборлари қаратилиш тушунарлидир.

Спортчиларнинг асосий жисмоний сифатлари ривожланиш даражасини баҳолаш ва ўлчов системасининг борлиги, тайёргарликнинг услубларида сузувчиларни тайёрлашнинг ҳар хил босқичларида вазифаларни тўғри қўйилиши учун имконият яратиб беради.

Бошқача сўз билан айтганда, сузувчилар махсус жисмоний тайёргарлигининг шахсий кўрсаткичларини босқичлардаги модели тавсифномалар билан солиштирилган машғулотлар ишини самарадорлигини баҳолашга, тайёргарлик жараёнини келгусидаги йўналишини аниқлашга, тўғри вазифалар қўйишга, жисмоний сифатларни ривожлантиришда адекват вазифа ва усулларни танлаб олишга ёрдам беради.

Спортчини тайёрлашнинг бошқаришдаги назорат уни мақсадга режалаштирилган спорт натижасига эришишни таъминловчи зарур кўрсаткичларга олиб чиқилди (3, 8, 10, 19, 30, 37, 40, 41).

Шунинг учун бошқаришда, ҳаёт томонидан улар олдига қўйилган вазифани муваффақиятли бажариш учун, инсон нима қилишни билмоғи керак деган таҳлилга асосланган зарурий нормалар айниқса муҳимдир.

Умумий ва махсус жисмоний тайёргарликнинг назорат кўрсаткичларида бурилиш ясалиши шундан иборатки, яъни сифатларнинг айрим нормативлари кўп йилик тренировка машғулотларини ҳозирги босқичи айтганда, бу принципнинг йиллик цикли босқичларини ҳар бирида асосий жисмоний сифатларни ривожланиш даражасидаги ортимал нисбатни таъминлашдаги талаб деб қараш керак, негаки улардаги ҳар қандай боғланишликни ҳам фойдали деб бўлмайди.

Ёш спортчиларни тайёрлаш системасининг шахсий қисмларини ишлаб чиқишда кейинги шу хил қоида бўлиб, фойдаланишнинг самарадорлиги принципи ҳисобланади.

Сузиш техник тайёргарликнинг борган сари шакллана бориши тренерлар ва тадқиқотчи-олимлар олдига спорт маҳоратининг асоси бўлмиш жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини табақалаштирилган меъёрий назорат остига олиш муаммоларини қўяди. 1960 йилларда умумий ва махсус жисмоний сифатларни назорат қилишга мўлжалланган меъёрий тест машқлари пайдо бўла бошлади.

Кўпгина шундай назорат машқлари таркибида кўп вақтни «олувчилари» ҳам мавжуд бўлиб, улар шу сабабли тренерлар назаридан четда қолиб келар эди. Шунинг учун қисқа муддатли тезкор тест машқларини яратиш устида тадқиқотлар ўтказила бошлади.

Сўнгги йилларда тестлар назарияси спорт фанида мустақил йўналиш сифатида шаклланиб келмоқда. Турли спорт ихтисосликлари доирасида ўтказилган тадқиқотларда тестлар назарияси педагогик назорат тизимини асослаш ва жисмоний сифатларни баҳолаш мақсадида қўлланилган (24,25,51,58).

Тестлар назарияси – бу ҳаракат қобилиятлари ҳақида олинадиган ахборотлар софлиги ва аниқлигини белгиловчи манбадир.

Биобарин, у жисмоний тарбия жараёнини илмий асосда бошқариш имкониятини яратади (21,29). Тестлар назариясининг асосий услублари – математик статистика ва эҳтимоллар назариясидан иборатдир.

«Тест» атамаси қисқа ва чегараланган муддатда ижро этишга мўлжалланган стандартлаштирилган синовни англатиб, қиёсланадиган ўзаро индивидуал кўрсаткичларни акс эттирувчи махсус қобилиятлар даражасини аниқлашга қаратилган (24,25,49). Ҳаракатни баҳолаш билан боғлиқ бўлган тестлар ҳаракат тестлари деб аталади .

В.М.Зациорский (24,49) спортчиларнинг ҳаракат хусусиятига қараб, тестларни уч хил турга айирган: 1) назорат машқлари; 2) функционал синовлар; 3) максимал функционал синовлар. Унинг таъкидлашича, тест сифатида қўлланиладиган ўлчов бирликлари қуйидаги талабларга мос бўлиши шарт: стандартлик, баҳолаш тизимининг мавжудлиги, ишончлилиқ (мукаммаллик) ва информатив хусусиятга эга бўлиш.

Мазкур тадқиқотчи-олим ўз ҳаммуаллифлари (128) билан биргаликда шу нарсага эътибор қаратадики, тестлар назариясига оид вазифалар икки шартни ўз ичига олиши даркор: энг яхши тестлар мажмуасини танлаш ва тестларни бажариш натижаларини баҳолаш.

Илмий-услубий адабиётларда тестларни танлашнинг икки йўли мавжудлиги қайд этилади (49). Биринчиси ҳаракатларнинг муайян муддатда (вақт бирлигида), муҳит – ораликда ижро этилиши, анатомик-физиологик ва бошқа кўрсаткичларни ўлчаш (аниқлаш) ёрдамида уларни биомеханик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда машғулоти воситалари ва назорат усуллари танлаш билан ифодаланади (19,25).

Иккинчиси – турли ҳаракат малакалари билан мезон сифатида олинган айрим кўрсаткичлар ўртасидаги статистик зичликни аниқлаш (19).

Тестларнинг математик назариясида шундай асосий мезонлар ишлаб чиқилганки, ушбу мезонлар асосида назорат машқларининг оптимал миқдори танланади. Бу мезонларга: информативлик, ишончлилиқ, холислиқ, эквивалентлик, тежамкорлик белгилари киради (19,24, 25,49).

Тестнинг информативлик мезони шу тест ёрдамида бирор сифатни (қобилият, фазилят, хислат ва ҳ.к.) ўлчаш аниқлигини ифода этади.

Тестнинг информативлиги жорий ташхис қўйиш ва олдиндан чамалаш (башорат учун) билан изоҳланади.

В.М.Зациорский (24,49) фикрига кўра информативлик даражаси тажриба кўртсаткичлари (эмпирик информативлик) асосида миқдор билан ва вазиятни мазмуний таҳлил қилиш (мантикий информативлик) асосида сифат билан баҳоланиши мумкин.

Эмпирик информативлик икки хил кўринишга эга:

- тест натижаларини қиёсловчи ва тестга боғлиқ бўлмаган ўлчов мезони мавжуд бўлади;

- бундай мезон бўлмайди.

Биринчи ҳолатда муайян тестда кўрсатилган натижалар билан ва мезон ўртасидаги боғлиқлик (корреляция) коэффиценти ҳисобланади. Мезон – спорт натижаси, яъни асосий спорт машқининг қандайдир миқдорий кўрсаткичи ёки информативлиги исбот қилиниб бўлган бошқа тест натижалари; йиғма мезон, масалан, гимнастик кўпкураш бўйича баллар йиғиндиси.

Тестнинг информативлигини аниқлашда мезонни танлаш масаласи энг аҳамиятлидир (19).

Спортда аксарият ҳолларда мезон: 1) спорт натижаси; 2) мусобақа жараёнининг қандайдир миқдорий ифодаси (масалан: югуришда қадам узунлиги, сакрашда депсиниш кучи ва ҳ.к.); 3) информативлиги исботланган бошқа тест (агар тест – мезон мураккаб бўлса ва бошқа оддий тест бўлса.

Масалан: газ алмашиниши ўрнига ЮҚЧ аниқланса). Бу ҳолат рақобатли информативлик тести деб юритилади; 4) муайян гуруҳга тааллуқли бўлса. Масалан: спорт усталари билан қуйи малакали спортчиларни қиёслаш, бир гуруҳга тааллуқлилиги мезон бўлиб ҳисобланади; 5) йиғма мезон, масалан кўпкураш бўйича баллар йиғиндиси.

В.М.Зациорский (24,49) ташхислаш (баҳолаш) учун информативлиги 0,3 дан кам бўлмаган тестлардан фойдаланиш мумкин, деган ғояни илгари суради. Унинг фикрича, вазиятни олдиндан аниқ башорат асосида баҳолаш учун тестларнинг информативлиги 0,6 дан кам бўлмаслиги лозим.

Тестларни танлашнинг бошқа бир мезони ишончлиликидир. Бу кўп марта бир хил текширилувчилардан олинadиган тест натижаларининг бирига мос келишидир.

Тестларнинг ишончлилигини баҳолашда қуйидаги 4 та услубдан фойдаланилади: «кайта тестлаш» услуби, «жуфтлаштириш» услуби, параллел қўлланиладиган тестлар, дисперсион таҳлили асосланган услуб.

Тестлар ишончлилигини баҳолашда қуйидаги мўлжалларга асосланиш лозим: 0,99-0,95 – аъло; 0,91-0,90 – яхши; 0,89-0,80 – қўллаш маъқул; 0,79-0,70 – ёмон; 0,69-0,60 – қониқарсиз.

Тестнинг учинчи аҳамиятли хусусияти – бу унинг объективлиги (ҳолислиги) – барча тадқиқотчиларда тестнинг бир хил натижа бериши.

Тестнинг навбатдаги хусусияти – унинг эквивалентлиги. Бунинг мантикий маъноси: одамнинг муайян қобилиятини аниқлашда бир неча тестдан фойдаланиш мумкинлигидир.

Бундай ҳолатларда шу тестлардан биттаси ёки иккитасини танлаш лозим. Эквивалентликни баҳолаш учун тестлар ёрдамида олинган натижаларнинг боғлиқлик коэффиценти аниқланади (бир хил сифатлар). Агар бир неча тестлар бир-бирига эквивалент бўлса, унда энг информатив тест танланади (17,18).

Спорт натижаларининг очколар йиғиндиси асосида баҳоланиши чегараланган ўлчов (шкала асосида баҳолаш) деб аталади (19).

Жисмоний тарбия ва спорт амалиётига хос бўлган 4 та шкалани эътироф этади.

Биринчиси – бир хил нисбатдаги (пропорция) шкала. Тенг ўсган натижаларга бир хил миқдорли очколар берилади.

Иккинчиси – пастга қараб ўлчанадиган (регресс) шкала. Натижанинг бир хилда ўсиши, спорт натижасининг юксалиши сари камайиб борадиган очколар миқдори.

Учинчиси – ўсиб борадиган (прогресс) шкала. Спорт натижаси канчалик ўсиб борса, очколар миқдори шу ўсишга нисбатан ортиб боради.

Тўртинчиси – сигмасимон шкала – бунда спорт кўрсаткичлари паст ва юқори чегарада намоён бўлиб, натижалар яхшилана борса, ўрта чегарадаги натижалар энг кўп очко билан баҳоланади. Бундай ҳолат спорт амалиётида деярли учрамайди.

Меъёрларнинг яроқлилигини қуйидагича изоҳлайди: 1) релевантлик – яъни фақат муайян гуруҳга мўлжаллаб ишлаб чиқилган бўлса, шу гуруҳда қўлланилиши; 2) репрезентативлик – яъни кўп гуруҳлар ичида энг мақбул сифатида танланган гуруҳ учун қўлланилиши; 3) замонавийлиги – яъни меъёрнинг бугунги авлод имкониятига мос келиши.

М.Я.Набатникованинг (88) эътироф этишига қараганда, ёш спортчиларнинг тайёргарлик жараёнини бошқаришда устувор аҳамиятга эга бўлган меъёр – бу асл хусусиятли меъёрдир.

“Меъёр” нинг моҳиятини англаш учун ва ундан оғиш ҳолларини фарқлашда, қандай бўлмасин, баҳолаш мезонларини танлашда турли шкалалар (ўлчов жадвали) ёки қуйидаги услублардан фойдаланилади:

- 1) ўрта миқдор ва стандартлар услуби;
- 2) динамик кузатиш услуби.

Ушбу услуб ёрдамида қатор циклик спорт турлари учун асл меъёрлар ишлаб чиқилган (19,20,33).

Шу билан бир қаторда, мураккаб ҳаракат координациясига хос спорт турларида ўртача кўрсаткич ва стандарт оғиш хусусиятига эга меъёрлар ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилиб келяпти .

1.3. Ёш сузувчилар махсус жисмоний тайёргарлигининг тавсифномаларининг тузилиши таъмоиллари.

Махсус жисмоний тайёргарлиги, асосан умумий жисмоний тайёргарлигига ва амалий ҳолда режалаштирилади ва амалий томондан унинг махсуслашган давоми ҳисобланади.

Собиқ иттифоқ даврида жуда таниқли ва кузга қўринган мутахасис бўлиб ҳисобланган, жуда кўп кучли сузувчиларни тарбия қилиб вояга етказган мураббийлардан С.М.Вайцеховский асосан «Хюттел» - номли тренажёрдан фойдаланиб келишган. Куруқликдаги махсус куч тайёргарлиги биринчи навбатда жисмоний тайёргарлик дастурига киритилган сузиш ҳаракатларига мос уч хил машқлар ҳисобига амалга оширилади, аммо сузиш жараёнига солиштирилганда, куруқликдаги машқлар қаршилиги бир мунча оширилган бўлади.

Бундай машқлар шодасига мисол бўлиб, қўл ва оёқларда эшиш ҳаракатларини резинали амортизаторни тортиш билан амалга ошириш ҳисобланади ёки махсус кучли мослашган тренажерларни («Миниджи», Экзерджени», Хюттел ва бошқалар) қўллаш мумкин.

Кўпгина муаллифларнинг фикрларга кура, жисмоний тайёргарлик куч ва тезкорлик куч сифатларини ривожлантиришда купқиррали характерли булиши лозим (28,72,134 ва бошқалар).

Кўпгина мутахасислар ва муаллифлар шундай фикр билдирадилар, яъни сузувчилар тайёргарлик даврини боришга 1.5 - 3 ой мобайнисада жисмоний тайёргарлик билан шуғулланишлари лозим.

Жисмоний тайёргарликда куйидаги восита ва усуллар тавсия этилади:

- а) асбоб – анжомларсиз умуривожлантирувчи машқлар.
- б) резинали амортизаторлар ва блокки курилмаларни қўллаган ҳолдаги машқлар.

в) қаршилиқ ва юк билан амалга ошириладиган машқлар.

г) изометрик машқлар .

д) тўлдирилган тўплар ёрдамида амалга ошириладиган машқлар .

Тадқиқотлар машқлар «тезкор» ва «сул» ҳаракат бирлигидан иборат эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам тренировканинг йўналиши у ёки бу гуруҳнинг толалари фаоллигига таъсир этиши, оқибатда эса куч потенциали ортқча бўлиб қолиши мумкин.

Нисбий кучларнинг юксак даражаси киши жадал ҳаракатларда қисқа вақт мобайнида шу кучни намоён қила олгандагина самарали бўлади.

Шундай қилиб, спортчиларда куч ва тезкорликни уйғунлаштиришга эришиш ва бунда координацион имкониятларни ёмонлаштирмаслик ҳамда чидамлилиқни сусайтирмасликка эришиш учун тренировканинг шундай восита ва услубларидан фойдаланиш зарурки, улар ҳаракат фаолияти талабларига мувофиқ бўлсин. Куч ва тезкорликни тарбиялашнинг энг оқилона воситалари булар урин бўшатиш – енгиб утиш характеридаги комбинациялашган дианмик ишлардир.

Тренировка жараёнида спортчи таянч билан қатнашишни тезроқ бажаришига эътибор қилиш керак.

Қушимча таъсир этувчи услубнинг моҳияти шундаки, жисмоний сифатларни ривожлантириш машқларни бажариш техникасини такомиллаштириш билан узвий боғлиқ, холда олиб борилади. Спортда бу услубни техника, тактика ва уйин машқларини такомиллаштириш жараёнида қўллаш мумкин.

Техник – тактик ҳаракатларни бажараётганда спортчи вазнинг 3 – 5% ига тенг белбоғ ёки нчадан фойдаланилади. Табиқи, бутун тренировка мобайнида машқларнинг ҳаммасини огир нарсаларни қўллаган холда бажарилиши шарт эмас (24,48).

Дарсдан кузланган мақсадга караб нагрузкаларни кўпайтириш ёки озайтириш, оғир нарсалар билан машқ бажаришни машғулотнинг бошида, охирида ёки ўртасида қўллаш мумкин.

Харакат тезлиги мазкур машқларни бажаришда асосий шарт бўлиб қолади. Сузувчилар энг катта тезликка нихоятда жадаллик билан эришишга қилишларини кузатиб бориш керак.

Машқлараро дам олишни 2 минутдан 3 минутга етказиш керак, чунки машқлар оғир ва бир уринишда 6 – 10 марта бажарилади. Машқлар 1 серияли услуб билан ёки тренировканинг давра принципида бажарилиши мумкин. Машқни бажаришда ҳар бир ўриниш орасидаги, шунингдек, сериялар орасидаги дам олишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Юқори натижаларга эришиш учун жисмоний тарбиянинг барча воситалари: жисмоний машқлар, гигиеник омиллар ва табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари, шунингдек, машғулотлар давомида воситаларнинг кенг ишлаб чиқарилган системаси қўлланилади.

Мусобақалашуш машқлари – бу спорт турига хос бўлган муайян спорт турининг талабларига биноан бажариладиган яхлит ҳаракат фаолиятидир.

Кўпгина мусобақалашув машқлари ҳаракат тузилиши бўйича чекланган ва қисқа йўналишга эга бўлади: бўлар моноструктурали машқлардир.

Бунга тезкор – куч машқлари (сакрашлар, улоқтириш, оғирликни кўтариш, спринт) ва чидамлилиikka хос субмаксимал, катта ва уртача зур бериладиган циклик ҳаракат (югуриш ва бошка)лар киради.

Мусобақалашуш машқлари машғулотларда катта вариативлиги билан ажралиб туриш зарур. Махсус тайёргарлик машқлари мусобақалашуш ҳаракатлари, шакли ва характериға ухшаш ҳаракатларни ўз ичига олади.

Спорт машғулотининг қайд қилинган воситалари фақатгина жисмоний воситалар бўлибгина қолмай, балки спортчи техник, тактик ва иродавий тайёрлаш воситаси ҳамдир (26,45,89,138,152,171,178).

Юқори спорт маҳоратига эришишга қаратилган барча воситалар спорт машғулоти методларига киради.

Харакат фаолиятига ўргатиш методлари жисмоний назарияси ва методикасининг умумий асосларидан сизга маълумдир. Бу ерда уларни спорт машғулотида нисбатан аниқлаштиришга тўғри келади. Усулларнинг асосий мақсади ҳаракат малакаларини такомиллаштириш ва жисмоний сифатларни тарбияланишга қаратилган.

Харакат сифатларини ва организмнинг функцияларини такомиллаштиришда мақсадга мувофиқ танланган машқлар комплекси, интервал машқ қилиш усули, узлуксиз машқ қилиш ва юқорида қайд қилинган турли хил усуллар қўлланилади.

Бир методнинг ўзи кенг вазифаларни ҳал қилишда ва спортчини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, масалан, югуришда ўзгарувчан машқ қилиш усули ёрдамида бир вақтнинг ўзида чидамлилиқни тарбиялаш, югуриш техникасини такомиллаштириш, масофа буйлаб кучни тақсимлашнинг тактик вариантларини машқ қилиш мумкин ва ҳоказо, яъни бир усул орқали спортчининг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигини амалга ошириш мумкин.

Мусобақаланиш усулининг асосини фақат рақиб билан куч синаш эмас, балки ўз-ўзи билан ҳам мусобақаланиш ташкил қилади. Шунинг билан бирга машғулотга киритилган уйин усуллари ёрдамида юқори рухий кўтаринкиликка эришилади, фикрлаш қobiliяти, қўйилган мақсадга эришиш иродаси ва қатъийлиги ривожланади.

Машғулот жараёни муайян спорт турида максимум натижаларга эришишга қаратилган. Юқори спорт камолотига эришиш – кўп қиррали ва жуда мураккаб жараёндир. У спортчининг ўзини ҳар томонлама функционал, жисмоний.

Техник ва тактик тайёрлаш орқалигина эмас, унинг натижасининг ўсишига таъсир қилувчи бошқа омиллар таъсирида ҳам амалга оширилади.

Бу омилларга биринчи уринда тренернинг ҳар томонлама тайёргарлигини киритиш лозим.

Шундай қилиб, спортчи рекорд ўрнатишида унга юзлаб кишилар ёрдамлашади, улар уни шахс ва спортчи сифатида шакллантиришади.

Ҳозирги даврда спорт машғулоти спортчининг жисмоний ва ахлоқий сифатларини ривожлантиришга, унинг билим даражасини тўхтовсз кенгайтиришга қаратилган ҳолда ҳар томонлама тарбиялаш жараёнини ташкил қилгандагина тўлиқ педагогик натижага эришилади.

Спорт машғулоти икки йғналишни: умумий ва махсус тайёргарликни таркибан бирлаштиради. Умумий тайёргарлик жисмоний фаолят жараёнида органлар, системалар ва функцияларни умумий ривожлантириш асосида ихтисосига мавжуд шарт-шароитларни яратади, кенгайтиради, шунингдек, унинг турли хил ҳаракат, кўникма ва малакалари муносабатини бойитади.

Махсус тайёргарлик эса, муайян спорт тури учун хос бўлган сифат қобилиятларни ривожлантиришни таъминлайди, шунингдек. Унга хос техника ва тактика билан қўроллантиради.

Умумий тайёргарликни ҳам, махсус тайёргарликни ҳам машғулот жараёнидан олиб ташлаб ёки бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди.

Чунки умумий ва махсус тайёргарликнинг орасида ўзаро зич боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар ўртасида чегара ўтказиш мумкин эмас. Айрим мутахассислар шунга таяниб, спорт тренировкасининг бу жиҳатларини ажратмасликни таклиф қиладилар.

Махсус тайёргарлик спорт ихтисосининг муҳим омилидир, умумий тайёргарлик эса спортчи ривожланишининг у ёки бу томонлари орасидаги ҳар хил алоқалар орқали ихтисослашиш жараёнига билвосита таъсир қилувчи омилдир (46, 69, 120,135,150,162).

Умумий ва махсус тайёргарлик спорт машғулоотида ҳар доим, куп йиллик спорт машғулотлари жараёнида жавомида қўлланилиши керак. Кўпгина муаллифлар спортчининг маҳорати ортиб бориш билан УЖТ

машқларнинг сони ва унга ажратиладиган вақтни камайтириш керак деб тасдиқламикчи буладилар. Спортчининг маҳорати ортиб борган сари организм кўпроқ озуқа талаб қила бошлайди.

Жисмоний тайёрлашнинг мазмунини: куч, тезкорлик, чидамлилиқ ва қайишқоқликни тарбиялаш ташкил қилади.

Жисмоний тайёргарлик спорт машғулоти мазмунинг пойдеворидир.

Мускул кучи икки хил режимда намоён бўлади:

- 1) статик ёки изометрик режимда бир ҳолатда зўр бериб ушлаб турилганда куч намоён бўлади,
- 2) динамик режимда. Бунда мускул узунлиги ўзгаради ва мускулнинг эластик таранглиги катта куч билан содир бўлади.

Динамик режимда қаршилиқни енгадиган иш бажарилиши мумкин (миометрик режим).

Ишнинг бундай фаолияти ауксотоник қисқариш деб белгиланади (нерв – мускул аппаратида ўзгариш содир бўлганда турлича куч талабига мувофиқ мускуллар қисқаради ва таранглашади), ва (плиометрик режимдаги иш) сакраб тушишларда, осилиш ва хоказоларда мускул узунлиги ошади.

Бу ерда мускулларнинг ауксотоник қисқариши сингари изотоник (нерв-мускул аппаратида таъсир қиладиган куч узгармаса мускул таранглиги бир хилда қолади) қисқариши ҳам мумкин.

Шундай воқеалар маълумки, кишида аффе́кт (вахма, курқув, ғазаб) ҳолатида ғоят катта куч ва тезлик пайдо бўлади.

Бу куч каердпн пайдо булади? Введенский ёзган эди : Хар бир ёш организм нормал шароитда ўзида жуда катта куч запаси ва имкониятларни саклаб юради.

Одатда, бу куч ва имкониятларнинг факатгина бир қисми ҳақиқатан амалга оширилади ва кишининг кейинги ҳаётида сарфланади ва кўпинча жуда оз қисми ишлатилади (46,71,90,104,149,172).

Жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг асосида организмнинг иш қобилятини бошлангич юкламаларга жавоб бера олиши хусусияти унга

жавобан реакцияси деб тушунилади. Организм жисмоний юкга узидаги мавжуд захираларини жалб қилиш орқали жавоб беради. Машқ бажариш давомида энергия ресурслари сарфланади, аста-секинлик билан чароқ хис қила бошланади.

Чарчок хосил булган машғулотдан сўнг иш қобиляти пасайган ҳолда қолади, сўнг у аста секинлик билан тиклана бошлайди. Иш қобилятини тикланиши иш бошлангунгача бўлган ҳолатга етиб уни ортиши давом этаверади (бу физиологик қонун), шундай қилиб организм энергия ресурсини сон жихатдан сарфланганини тиклаб улгуради.

Бундай юқори тикланишда иш қобилятини ошган фазаси вужудга келади. Бу фаза бир оз вақт ичида ушланиб туради ва сўнг дастлабки ҳолатга пасаяди.

Шундай қилиб жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларидан сўнг организмни ҳолатида урта фазани кузатиш мўмкин: чарчаш, дастлабки ҳолат даражасигача тикланиш, иш қобилятини дастлабки даражадан юқорироқ ортиши.

Агарда кейинги машғулот чарчаш фазасига тўғри келиб қолса чарчокни устма - уст тўпланиши содир булиб у толишга айланади.

Шуғулланиш организмнинг энергия ресурсларини тикланиш фазасига тўғри келса иш қобиляти айтарли даражада ошмаслиги, иш қобилятини юқори даражадалигига тўғри келса организм жисмоний юкга тайёргалиги, катта ҳажмда машқ бажаришни уддалай олишлиги амалиётда ва фанда исботланган.

Жисмоний тарбия жараёнининг — жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг узлуксизлиги жисмоний камолотга эришиш учун оптимал шароит яратади. Нагрузкани интенсивлиги ва ҳажми, дам олиш билан шуғулланишни тўғри навбатлашувини тизимлилиги бузилиши, жуда ҳам юқори ёки паст юклама танлаш, машғулотлардан кутилган натижага олиб келмаслигига сабаб бўлиши мумкин ва у амалда исботланган (31,50,73,94,109,124,151,173,180).

Куч қобилияти муайян даражада ҳаракатлар тезлигини белгилайди ва чидамлилик ҳамда чакқонликни талаб қилувчи амалларда катта аҳамиятга эга бўлади. Спортчиларда турли мушак гуруҳлари кучининг ортиши бир меъёردа бўлмайди ва 11 – 16 ёшда юқори шиддатга эришади.

Бундай спорт тури билан шуғулланиш куч сифатлари топографиясига, яъни турли мушак гуруҳларининг максимал кучи нисбатига уз муҳрини босади. Мушак гуруҳлари кучининг топографияси ҳақидаги маълумот тренерлар томонидан спортчилар тайёрлашни рационаллаштириш учун қўлланилади.

Тезлик – куч тайёргарлигида барча мушак гуруҳлари (гарчи улардан айримлари кўпроқ, бошқалари камроқ жисмоний юкломани бажарса ҳам) иштироқ этади.

Спорт билан чуқур шуғулланиш босқичида 14 – 16 ёш организмнинг юқори ишчанлик қобилиятини таъминловчи функционал тизимларнинг шаклланиши асосан тугалланади.

Айрим куч машқларида қўлланиладиган оғирликларнинг қиймати шуғулланувчининг ўз тана оғирлигига нисбатан 100% ни ташкил этади.

Куч сифатлари ривожланиш даражаларининг махсус талабларга мувофиқлигини сақлаш учун оёқнинг нисбатан бушроқ букувчи мушакларини ривожлантиришга жиддий аҳамият бериш зарур. Бунинг самарали воситаси – тренажёр қурилмаларидаги алоҳида бериладиган машқлардир.

Спорт такомиллашувчи босқичида 17 – 20 ёш спортчиларнинг организми ўз функционал имкониятларига кўра катта одам организмидан деярли фарқ қилмайди. Куч сифатлари кўрсаткичлари юқори даражада этади. Сон, болдир, кафтнинг ростловчи ва букувчи мушаклари куч орасидаги нисбат кичрайиш томон узгара бошлайди.

Спортчилар куч сифатларини ривожлантиришнинг энг самарали восита ва усулларини қўллай бошлайдилар

Машғулот воситаларининг хажми ҳамда шаддати максималга якинкатталикларга эришади.

Олий спорт махорати боскичида 21 – 26 ёш ҳаракат фаолиятининг морфологик ва функционал таркибий қисмлари ривожланишидаги суръат пасаяди. Бундаги энг муҳим вазифа – спортчининг рекорд натижалар даражасига кутарилиши ва шу даражани имкон қадар узоқроқ муддат тутиб туришдан иборат.

Ёш спортчилар жисмоний тайёргарлигининг модели тавсифномаларини аниқлашда иккита бир бирига боғлиқ бўлган омилларни ҳисобга олиш ҳисобланади: бор имкониятлардан фойдаланганлик даражаси ва сифатларнинг ривожланишида ёшга ва малакага бўлган динамикасининг хусусиятлари.

Шу билан бирга методологияда жисмоний тайёргарликни модели тавсифномаларини аниқлашда масалага талайгина ёндошиш, маълум даражада уларга аниқлик киритишга қўйилган талабаларнинг бирлигини таъминлашда қийнчилик туғдиради (47,53,76,98,110,125,139,154,166, 174,181).

1.4. Умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик.

Умумий тайёргарликни ҳам, махсус тайёргарликни ҳам машғулоти жараёнидан олиб ташлаб ёки бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Чунки умумий ва махсус тайёргарликнинг орасида ўзаро зич боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар ўртасида чегара ўтказиш мумкун эмас.

Айрим мутахассислар шунга таяниб, спорт тренировкасининг бу жиҳатларини ажратмасликни таклиф қиладилар. Махсус тайёргарлик эса, муаян спорт тури учун хос бўлган сифат қобилиятларини ривожлантиришни тامينлайди, шуниндек. Унга хос техника ва тактика билан қуроллантиради. Махсус тайёргарлик спорт ихтисосининг муҳим омилидир, умумий тайёргарлик эса спортчи ривожланишининг у ёки бу томонлари орасидаги ҳар хил алоқалар орқали ихтисослашиш жараёнига бевосита таъсир қилувчи омилдир.

Спортчининг умумий тайёргарлиги ихтисос хусусиятини ҳам акс эттириши лозим, чунки алоҳида жисмоний машқлар давомида ижобий ва шуниндек, салбий таъсирлар учраб, умаумий тайёргарлик ҳар хил спорт турларида бир хил бўлишни чеклаб туради.

Умумий ва махсус тайёргарлик спорт машғулотида ҳар доим, кўп йиллик спорт машғулотлари жараёнида давомида қўлланиши керак. Кўпкина муаллифлар спортчининг маҳорати ортиб бориш билан УЖТ машқларнинг сони ва унга ажратиладиган вақтни камайтириш керак деб тасдиқламоқчи бўладилар.

Спортчининг маҳорати ортиб борган сари организм кўпроқ озуқа талаб қила бошлайди. Махсус жисмоний тайёргарлиги, асосан умумий жисмоний тайёргарлиги, асослашган ҳолда режалаштирилади ва амалий ҳолда режалаштирилади ва амалий томондан унинг мутахасислашган давоми ҳисобланади (38,54,63,74,80,95,126,137,143,155,163,170).

Кўкракдаги махсус куч тайёргарлигини асосий кўриниши бўлиб, машғулотларда «Минджи ва Хюттел » каби тренажерлардан фойдаланиш хисобланади. Одатда уч хил турдаги тренировка машғулотлари қўлланилади:

1. Чидамлилиikka бўлиш тренировка машғулотлари.
2. Махсус чидамлилиги бўлиши тренировка машғулотлари.
3. Чидамлик ва тезкорлик ривожланишга қаратилган комплекс тренировка машғулотлари.

Спорт машғулотлари икки йўналишни: умумий ва махсус тайёргарликни таркибдан бирлаштиради. Умумий тайёргарлик жисмоний фаолият жараёнида органлар, системалар ва функциялари умумий ривожланиш асосида ихтисосга мавжуд шарт-шароитларни яратади, кенгайтиради, шуниндек, унинг турли хил ҳаракат, кўникма ва малакалари муносабатини бойитади. Махсус тайёргарлик эса, муайян спорт тури учун хос бўлган сифат қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайди, шуниндек. Унга хос техника ва тактика билан қуроллантиради.

Умумий тайёргарликни ҳам, махсус тайёргарликни ҳам машғулот жараёнидан олиб ташлаб ёки бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Чунки умумий ва махсус тайёргарликни орасида ўзаро зич боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар ўртасида чегара ўтказиш мумкун эмас.

Айрим мутахассислар шунга таяниб, спорт тренировкасининг бу жиҳатларини кўп йиллик тренировкаларни чуқур режалаштиришда бу кўрсаткичлар жуда зарур. Спорт натижаларини ўсиш темпи ёш сузувчининг ёнига қараб, спортнинг перспектив критерияси, унинг спортга меҳнатсеварлиги ва имкониятига хизмат қилади.

Шундай қилиб, сузувчининг спорт натижасини ўсиш темпи, ёнига қараб, кўп йиллик машғулот жараёни, келажагидан мувоффақиятли ва унинг маҳоратини қилишда зарур (42,51,60,66,76,97,111,115,121,127,140).

Машғулотнинг ўсиш динамикасининг икала миқдорий параметри (интенсив, сузишнинг умумий объёми). С.У.Н. қадар разрядан разрядгача ўсади. Бундан келиб чиқадики бутуниттирофик спорт классификациясини бажариш учун жуда кўп машғулот нагрускаси керак бўлади. Юқори кўрсатган сузувчиларнинг машғулот параметрини аниқлашда, хар-хил квалификациясидаги сузувчиларни нагрускасини амалиётда самалиятида хизмат қилади.

Машқ жараёнинг асосий мақсади –спорт натижаларини оширишдан иборат, бу натижалар эса жисмоний ривожланишдан тартиб то жисмоний сифатларга боғлиқ равишда орлиб боради. Машқ жараёнида шуғуланувчининг бошқа жисмоний сифатларга боғлиқ равишда олиб боради. Машқ жараёнида шуғуланувчининг бошқа жисмоний сифатлари ва жисмоний ривожланишга мос келадиган эгилувчанлик ҳам такомиллашиб боради. Кўпгина мутахассислар болаларда эгилувчанлик кўпроқ бўлишини таъкидлашган. Бу эгилувчанликнинг ривожланиши каттароқ мактаб ёшдаги болаларникига қараганда икки баробар самарадарлик бўлади.

Хар қандай спортдаги сузиш техникаси маълум қоидага асосланган ҳаракат ва ҳолатлар мажмуасидан иборат экан. Махсус жисмоний тайёргарлиги, асосан умумий жисмоний тайёргарлиги, асослашган ҳолда режалаштирилади ва Амалий ҳолда режалаштирилади ва амалий томондан унинг махсуслашган давоми ҳисобланади.

